


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



2012 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўлом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида республикани ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини, энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция жараёнларини тубдан кенгайтириш, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли бандлигини, ҳаёт ва турмуш даражасини ошириш ҳисобига ўстириш бўйича ишларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7,1 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 9,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 12,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,8 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади. Экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,4 фоизга кўпайди.

Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 18,4 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этишга кўмаклашди. Ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидеги улуши 51 фоизгача кўпайди.

Мажлис қатнашчилари томонидан 2012 йилги Инвестиция дастури бажарилишини ҳар томонлама ва батафсил муҳокама қилишга эътибор қаратилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 9,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 9,6 фоизга кўпайиши таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди. 882 та янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, 106 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида бир қанча компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар раҳбарлари фаолияти айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар учун танқид қилинди, улар олдига ушбу камчиликларни бартараф этиш ва амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Қайд этилдики, барча агротехника тадбирлари комплексининг ўз вақтида амалга оширилганлиги, суғориш сувидан оқилона фойдаланилиши, шунингдек, қишлоқ меҳнатчиларининг маҳорати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олиш имконини берди, шу жумладан, қарийб 7,2 миллион тонна бошоқли дон ҳосили ва 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси йиғиб олинди.

Мажлисида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши ва аҳолининг, айнқса олинган мутахассисликларига мувофиқ касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг бандлигини янада ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳам кўриб чиқилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, бунинг учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги қайд этилди.

Тизимли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида республикада 773 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг 486 мингтадан ортиғи ёки 62,9 фоизи қишлоқ жойларда яратилди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ҳамда келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 6–19 октябрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ТУРИСТИК ЙИҒИМ: КИМ, ҚАНЧА, НИМАГА?

Вазирлар Маҳкамасининг 10.10.2012 йилдаги 288-сон қарори билан туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро туристик бозорларга фаол киритиб бориш мақсадида 2012 йил 15 октябрдан бошлаб сайёҳларни жойлаштириш хизматлари кўрсатувчи ва туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган туристик фаолият субъектларидан ундирилиши тартиби жорий этилди.

Йиғимни сайёҳларни камида бир кеча тунаб қолиш муддати билан жойлаштирувчи меҳмонхона хўжаликлари, туристик комплекслар, туристик базалар, дам олиш зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, ўтовлар, меҳмон кутиладиган миллий уйлар ва бошқа объектлар тўлайдилар.

Қарор билан туристик фаолиятнинг бошқа субъектларидан туристик йиғим ундириш бекор қилинди.

Йиғимни ундириш тартиби мазкур Қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик йиғимни ундириш тартиби тўғрисида низом билан бошқарилади.

Унга мувофиқ йиғим яшалган ҳар бир кун учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашадиган хорижий давлатнинг ҳар бир фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги курси бўйича 2 АҚШ долларига тенг миқдорда ундирилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларга хизмат кўрсатишда туристик йиғим ундирилмайди.

Туристик йиғим суммаларини ҳисоблаб чиқиш ва ҳисобга олиш учун туристик йиғимни тўловчилар улар учун туристик йиғим тўланиши шарт бўлган хорижий давлатларнинг барча жойлаштирилган фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сони ҳисобини юритиши ҳамда туристик йиғим суммалари ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотларни «Ўзбектуризм» миллий компаниясига ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача тақдим этиши керак.

Йиғимнинг тўлиқ суммаси ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай, тўлов тамом бўлган ҳар бир ой учун тўланади.

Туристик йиғим суммалари ўз вақтида ёки тўлиқ ўтказилмаган тақдирда, туристик йиғимни тўловчилар кечиктирилган ҳар бир кун учун туристик йиғим ўтказилмаган суммасининг 0,15 фоизи, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Шунингдек Қарор билан «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Жамғарма туризм соҳасини ривожлантириш учун маблағларни жамлаш мақсадида юридик шахс мақомисиз ташкил этилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат шартномасига (контрактга) мувофиқ ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишловчи жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш қоидаларини белгилайди.

Низомга мувофиқ қуйидагиларнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади:



ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;
агар шахснинг асосий иши меҳнатнинг ноқулай шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлса, шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари;

бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассислари — соғлиқни сақлашни бошқариш органларида банд бўлган врачлар ва таълимни бошқариш органларида банд бўлган ўқитувчилар бундан мустасно;
қонун ҳужжатларига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган бошқа шахслар (ходимлар).

Ўриндошлик асосида ишлашга, агар ушбу Низомда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, асосий иш жойида (ички ўриндошлик) ёхуд бошқа ташкилотда (ташқи ўриндошлик) ишлашга йўл қўйилади.

Ходимнинг асосий иш жойи ҳисобланган ташкилотда ўриндошлик асосида ишлашга вақтинча бўлмаган хо-

димнинг ишини бажаришда ёки бўш лавозимдаги ишни бажаришда йўл қўйилади.

Ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда у ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунида ишлаши мумкин.

Ходим билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузиладиган меҳнат шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

Ходимнинг ёзма аризасига кўра, ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосида иш берувчи томонидан ходимнинг асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасига иш даври кўрсатилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзув киритилади.

Ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосий иш жойида сақланади.

Ўриндошлар меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасига мувофиқ:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида — ҳақиқатда бажарилган иш учун;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида — ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади.

Ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир.

Бир неча касб ва лавозимда ишлашга, қоидага кўра, ушбу ходим тегишли бўлган ходимлар тоифаси доирасида рухсат берилади.

Ташкилотнинг ходими кўшимча ишни бажарадиган муддат, унинг мазмуни ва ҳажми иш берувчи томонидан, ходимнинг ёзма розилиги бўйича белгиланади.

Бюджет ташкилотларида кўшимча ҳақ миқдори бир неча касб ва лавозимда ишлагандаги лавозим маошининг 30 фоизидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Бир неча касб ва лавозимда ишлаш тартиби ва шартлари хизмат кўрсатиш доираси кенгайганда ёки бажариладиган ишлар ҳажми ортганда ҳам қўлланилади.

Низом иловасида ўриндошлик асосида ишлаш ҳисобланмайдиган ишлар рўйхати келтирилган.

ОШПАЗЛАР УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги 289-сон «Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистоннинг миллий пазандачилигини сақлаб қолиш ва янада оммалаштириш, халқаро даражадаги ошпазлар та-

йёрлаш, умумий овқатланиш ташкилотларини ривожлантириш юзасидан жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга халқаро стандартларни жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ умумий овқатланиш соҳасида ошпазлар, пазандалар, қандолатчилар, официантлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий даражасини ошириш тизимини ташкил этиш мақсадида Умумий овқатланиш ва меҳмонхона хўжалиги соҳаси хўжалик юритувчи субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат и...


латасининг Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Уюшма умумий овқатланиш ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг таъсис йиғилишида ташкил этилади.

Уюшманинг мақсадлари ва вазифаларини ёқловчи ҳамда умумий овқатланиш ва меҳмонхона хўжалиги, овқатланиш индустрияси учун асбоб-ускуналар, буюмлар ва воситалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар келгусида Уюшманинг аъзолари бўлиши мумкин.

Қарор билан Уюшманинг асосий вазифалари белгиланган ва Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув аппарати тузилмасига розилик берилган.

Шунингдек қарор билан Уюшма муассислари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Уюшма ҳузурида Халқаро миллий пазандачилик санъати марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинди.



Уюшма ва Халқаро миллий пазандачилик санъати маркази томонидан ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва хориждан олиб келинадиган технологик асбоб-ускуналар, ўқув-методик анжомлари ва бошқа товарлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича 2016 йил 1 январгача, истисно тариқасида, божхона тўловларидан озод қилинган (божхона йиғимлари бундан мустасно).

Ҳужжатларга қисқача шарҳлар таҳририят
экспертлари томонидан тайёрланди.

УШБУ СОНДА:

- ✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот **1-бет**
- ✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - Валюталар курси **1–2-бетлар**
- ✓ **МАВЗУГА ҚАЙТИБ**
 - Воситачи ортиқчалик қилмайди **3-бет**
- ✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
 - Параметрларни ўзгартиришга лицензия талаб қилинмайди
 - Техник кўрикдан ўтказилиши керак
 - Ваколатни бериш мумкин **4-бет**
- ✓ **ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР**
 - Дўкон борлигини тасдиқланган
 - Янги паспорт олиш даҳмазалари **5-бет**
- ✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
 - Пропискага қараб иш ҳам бўлади
 - Директорнинг маълумотига қўйиладиган талаблар
 - Ходимга ортиқча тўланган ҳақ қайта ундириладими?
 - Талаба учун меҳнат дафтарчаси
 - Маоши тўланиб, ишдан бўшатилади
 - Моддий жавобгар бўлмаганлар **6–7-бетлар**
- ✓ **НОЗИК МАСАЛА**
 - Шифр ташхисни сир сақлайди **7-бет**
- ✓ **КЎП БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ**
 - Ҳаворанг «Волга» **8-бет**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	19.10.2012	1	0,7851	1	1,026	1	0,0255
Арманистон	19.10.2012	1	405,85	1	529,39	1	13,18
Беларусь	20.10.2012	1	8510,00	1	11120	1	276,50
Грузия	20.10.2012	1	1,6577	1	2,162	1	5,3852
Қозоғистон	20.10.2012	1	149,98	1	195,74	1	4,87
Қирғизистон	20.10.2012	1	46,9795	1	61,32	1	1,5262
Латвия	22.10.2012	1	0,538	1	0,702804	1	0,0175
Литва	22.10.2012	1	2,6448	1	3,4528	10	8,5898
Молдова	19.10.2012	1	12,1665	1	15,9515	1	0,3956
Тожикистон	20.10.2012	1	4,7649	1	6,2127	1	0,1557
Ўзбекистон	23.10.2012	1	1952,60	1	2546,90	1	63,43
Украина	19.10.2012	100	799,30	100	1048,5217	10	2,6019
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	22.10.2012	1	30,7823	1	40,2140		

ВОСИТАЧИ ОРТИҚЧАЛИК ҚИЛМАЙДИ

Кейинги вақтда кенг ривожланган воситачилик фаолияти институти ва унинг моҳиятини тушунмаслик ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб саволларни юзага келтиряпти. Турли хил воситачилик фаолиятини амалга ошираётган ташкилотларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари бу фаолият билан шуғулланаётганликлари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Ташкилотларнинг бундай хизматларини назорат қилувчи органлар ҳам ўзига хос тарзда талқин қиладилар. Ҳолбуки воситачилик фаолияти унинг бошқа турларидан жиддий фарқ қилади, асосийси – солиқ солишдаги тафовут ҳам ўжалик шартномаларининг тури ва битимларнинг шаклига боғлиқдир.

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 29.09.2012 йилдаги 39-сонида чоп этилган «Воситачи бўлган эдимиз?» мақоласида вазиятлар кўриб чиқилган ва битимнинг воситачилик фаолиятига тааллуқли бўлиши ёки бўлмаслигини белгилаш имконини берадиган далил-исботлар келтирилган эди.

Бугун «FORTIS-AUDIT» МЧЖ мутахассислари ишлар ва хизматларни воситачилик фаолиятига киритиш хусусидаги ўз нуқтаи назарлари билан ўртоқлашадилар.

– Кўпинча ташкилотлар ўз маҳсулотлари (товарлари)ни сотиш ёки моддий бойликларни харид қилиш бўйича ўз ваколатларини учинчи шахсларга берадилар. Баъзан ишлар ва хизматларга нисбатан ҳам бундай ҳаракатлар амалга оширилади. Бу ташкилотларга ўз ресурсларини (кишилар ва пул маблағлари боғида) тежаш ва эҳтимолий ҳамкорларни излашга чалғимаслик имконини беради. Учунчи шахсларнинг бундай фаолияти воситачилик фаолияти дейилади. **Воситачилик фаолияти – бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.**

Энди саволларга жавоб берамиз.

1. «Воситачилик хизматлари» нима дегани?

2. Воситачилик хизматларини кўрсатишга доир шартномаларнинг аниқ белгиланган рўйхати борми? Қандай шартномалар, воситачилик, топшириқ шартномаларидан ташқари, «воситачилик хизматларини кўрсатиш бўйича бошқа шартномалар» ҳисобланади?

3. Реклама берувчиларга қуйидаги реклама хизматларини кўрсатадиган реклама агентлигининг хизматлари **воситачилик хизматлари** ҳисобланадими: **реклама мурожаатини (матн, дизайн ва ҳоказо) тайёрлайди;**

энг яхши реклама ифодачиларини (босма нашрлар, теледастур ёки радиодастурлар, ташқи реклама ифодачилари ва ҳоказо) танлаб олади;

танланган реклама ифодачисида рекламани жойлаштиришнинг мақбул медиа-режасини ишлаб чиқади;

рекламани танлаб олинган реклама ифодачисида жойлаштиради;

рекламани жойлаштириш муддатлари ва сифатини назорат қилади?

1. Воситачилик хизматлари – хом ашё, материаллар, маҳсулот, пул, валюта, ахборот, истеъмол товарлари муомаласини жадаллаштириш ва энгиллаштириш мақсадида ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишга кўмаклашишдан иборат бўлган тадбиркорлик фаолияти шакли (Иқтисодиёт ва молия бўйича лугат).

Нохуш оқибатларга йўл қўймаслик учун воситачилик шартномалари табиати хусусида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим.

Фуқаролик қонунчилиги воситачилик шартномаларининг 3 турини фарқлайди:

воситачилик шартномаси (Фуқаролик кодексининг 832-моддаси, бундан кейин – ФК); топшириқ шартномаси (ФКнинг 817-моддаси) ва агентлик шартномаси – топшириқ олмасдан бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш (ФКнинг 826-моддаси).

Воситачилик шартномаларини қўллаш соҳаси жуда кенг. Топшириқ шартномасига кўра ишончли вакилга ўз номидан муайян ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини бериш мумкин. Воситачи фирмани бирор-бир хизматларни амалга ошириш учун жалб этиш ёки воситачига уларни сиз учун харид қилиш кўрсатмасини бериш ҳам мумкин.

Хизмат кўрсатишнинг ўзи нима?

Фуқаролик қонунчилигида «хизмат кўрсатиш» тушунчаси ФКнинг 703-моддасида белгиланган:

«Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан **ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш)**, буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади».

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, баъзи хизматлар лицензияланади, яъни улар фақат хўжалик фаолияти субъектига бериладиган махсус рухсатнома мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият турларининг рўйхати амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Шу сабабли баъзи ҳолларда бундай хизматлар кўрсатилаётганда воситачилик шартномасини албатта қўллаш зарур бўлади.

2. Юқорида биз фуқаролик қонунчилиги воситачилик шартномаларининг 3 турини фарқлашни қайд этиб ўтган эдик. Мазкур ҳолда, фикримизча, воситачилик хизматларининг охириги тури – топшириқ олмасдан бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишда ҳаракатларнинг анча кенг доирасига эга баъзи шартномалар тушунилади, яъни уларда олди-сотди битимларини бажариш ҳам, баъзи юридик ҳаракатлар (масалан, сотиб олинган товарни харидорга етказиб бериш) ҳам бирикиши мумкин. Бироқ воситачилик шартномаларининг барча турларида уларни бирлаштирадиган муайян аломатлар мавжуд, яъни:

- воситачилик операциялари ҳақ эвазига амалга оширилади;

- бажарилган топшириқ учун контра-

гент (принципал, комитент, ишониб топширувчи) ҳақ тўлаши шарт;

- реализация қилинадиган, харид қилинадиган барча моддий бойликларга доир мулк ҳуқуқи фақат контрагентга (принципал, комитент, ишониб топширувчи) тегишли;

- воситачи ўз ҳаракатларининг натижалари бўйича ва шартнома билан белгиланган муддатларда контрагентга (принципал, комитент, ишониб топширувчи) ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт;

- воситачи шартномада назарда тутилган ҳаракатларнигина бажаради.

3. Реклама хизматларини кўрсатиш тўғрисида сўзлаганда операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби ва реклама хизматларига солиқ солишга тарафлар ўртасида тузилган шартнома тури – воситачилик шартномаси ёки ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси салмоқли таъсир кўрсатишини қайд этиб ўтишимиз лозим.

Фикримизни мисолларда кўриб чиқайлик.

Биринчи вариант: айталик, тузилган шартномага мувофиқ реклама компанияси, масалан, реклама буклетларини мустақил равишда тарқатади ҳамда бунинг учун зарур хизматларни кўрсатади – масалан, ушбу буклет дизайнини ишлаб чиқади. Мазкур ҳолда реклама буклетини тарқатиш ва тузиш хизматларини кўрсатиш мазкур ташкилот учун оддий фаолият тури ҳисобланади.

Иккинчи вариант ҳам бўлиши мумкин, бунда тузилган шартномага мувофиқ реклама агентлиги буклетлар тарқатилишини мустақил таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди, балки мазкур хизматлар буюртмачи ҳисобидан бажарилишини ташкил этади – хусусан, ўз номидан ёки буюртмачи номидан реклама буклетларини тарқатувчи билан шартнома тузади. Мазкур вазиятда реклама агентлигининг реклама буклетларини тарқатишни ташкил этиш фаолияти воситачилик фаолияти ҳисобланади. Бироқ реклама буклетлари тарқатилишини ташкил этишдан ташқари, реклама агентлиги мазкур буклетнинг дизайнини ишлаб чиқиш хизматларини мустақил равишда бажарса, ушбу хизматлар энди воситачилик фаолиятига кирмайди. Шартнома тузиш чоғида турли низола юзага келмаслиги учун реклама агентлиги оладиган ҳақ миқдори ва у кўрсатадиган қўшимча хизматлар (мазкур ҳолда – реклама буклетлари тарқатилишини ташкил этишга кўмаклашиш) қийматини алоҳида-алоҳида кўрсатиш тавсия қилинади.

Агентликлар кўрсатадиган реклама хизматларини воситачилик тусида бўлмаган фаолиятга киритиш фойдасига қуйидаги қоидаларни қўшимча равишда ҳавола қилиш мумкин.

ФКнинг 704-«Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажариш» моддасига кўра, **агар шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.**

Бинобарин, тарафлар шартномада хизматлар кўрсатиш жараёнида ижрочининг бошқа хўжалик юритувчи субъект-

ларни жалб этиш ҳуқуқини назарда тутишлари мумкин.

Масалан, ижрочи рекламани тайёрлаш ва жойлаштириш бўйича ишлар мажмуасининг бирор-бир қисмини бажаришни бошқа шахсларга топшириб, буюртмачининг олдида ижрочи жавоб беришини қайд этишга ҳақлидир.

Шу тариқа, **хизмат кўрсатиш давомида учинчи шахс билан шартнома тузиш воситачилик фаолияти сифатида эмас, балки шартномада қайд этилган хизмат кўрсатиш усули сифатида қаралади.**

«Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ реклама хизматларини кўрсатиш соҳасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот;

реклама берувчи – рекламани тайёрлаш ва (ёки) тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс;

реклама тайёрловчи – реклама тайёрлашни **тўлиқ** ёки қисман амалга оширувчи шахс;

реклама тарқатувчи – **реклама воситалари** орқали реклама тарқатишни амалга оширувчи шахс;

реклама воситалари – **рекламани ундан фойдаланувчига етказиш учун ишлатиладиган** воситалар;

маҳсулот – товарлар, **ишлар, хизматлар.**

Мазкур таърифларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин: агар корхона реклама товарларини ишлаб чиқарса, ишларини амалга оширса, реклама берувчи билан шартномага кўра реклама тайёрловчи ёки тарқатувчи сифатида хизматлар кўрсатса, мазкур фаолият комплексда ёки алоҳида тарзда рекламани тайёрлаш, тарқатиш, жойлаштириш хизматларини кўрсатиш сифатида баҳоланиши керак.

Реклама хизматларини кўрсатиш учун реклама агентлиги эфир вақтини сотиб оладиган, реклама қурилмаларини ижарага оладиган, босма ОАВларда ўз буюртмачиларининг рекламасини жойлаштириш учун майдон сотиб оладиган ва ҳақини тўлайдиган ҳолларда ҳам, бу, бизнинг фикримизча, реклама агентлигининг амалдаги активлари саналади ва уларни агентлик ўз хизматларини кўрсатиш учун ишлатади.

Шундай бўлса-да, агар шартномада фақат тайёрловчилардан рекламани буюртириш ёки реклама тарқатувчининг излаш ҳамда улар билан реклама материалларини ишлаб чиқиш ва жойлаштириш тўғрисида шартнома тузиш тўғрисида сўз борса, бундай фаолият албатта воситачилик фаолияти бўлади.

Маргарита АХМЕДОВА,
«FORTIS-AUDIT» МЧЖ
мутахассиси.

ПАРАМЕТРЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШГА ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

МЧЖнинг асосий фаолияти корхоналар ва ташкилотлар билан шартномавий асосда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳисобланади. Мазкур асосий фаолиятни амалга оширишдан ташқари, МЧЖ мижозларда ўрнатилган «1С:Предприятие» туридаги дастурлар версияларида фойдаланиш учун, дастурий қисми ўзгартирмасдан, шаклларни (ҳужжатлардаги ҳисоб-китоблар формулаларини), ҳужжатлар модулларини (бухгалтерия проводкалари чизмалари) ва жадвалларни (ҳужжатларнинг чиқиш шаклларини) ишлаб чиқиш хизматларини кўрсатади. Яъни, аслини олганда, биз ушбу мақсадлар учун назарда тутилган дастурларнинг дарчаларига ҳисоб-китоблар шакллари, проводкалар чизмалари ва жадвалларни шунчаки киритамиз, мижоз эса кейинчалик ўз рақамларини қўйиб, яқуний натижани олади. Мазкур хизматларни кўрсатишга Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида низомга асосан лицензия олишимиз лозимми?

В.Саноев,
МЧЖ директори.

– Йўқ, кўрсатилган фаолият тури Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чи-

қариш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида низомнинг (ВМнинг 15.03.2012 йилдаги 72-сон қарорига 1-илова) 3-бандида назарда тутилган лицензияланадиган фаолият турларига кирмайди. Материаллар (ҳисоб-китоблар, формулалар ва бошқалар) тайёрлаш ва уларни бош-

ланғич матн ва дастурнинг ўз қисмини ўзгартирмасдан туриб ЭХМ учун дастурларнинг фойдаланиш версияларига киритиш учун лицензия талаб қилинмайди.

Артём МОКШИН,
«Норма» эксперт
юридик хизматининг
раҳбари.

Агар техник кўриқдан ўтказиш муддатларини ўтказиб юборсам, мендан жарима олинадими?

Автохаваскор.

ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК

– Мажбурий техник кўриқдан ўтиш муддатларини бузганлик учун жавобгарлик Маъмурият жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (МЖТК) назарда тутилмаган.

Бироқ бунда қонунчилик жазо белгиланиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик турларини назарда тутати.

Мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчи ЭКИХнинг 1/2 қисми миқдорида жарима билан жазоланади (МЖТК 125-моддасининг иккинчи қисми).

Мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситасини йўлга чиқариш мансабдор шахсга ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 139-моддасининг биринчи қисми). Мазкур ҳолда юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказмаслик тўғрисида сўз борапти.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
эксперт-юристими?

ВАКОЛАТНИ БЕРИШ МУМКИН

Иш берувчи (директор) ходимларга илгари ишланган кунлар учун дам олинмаган кунлар (отгуллар) бериш ҳуқуқини молиявий масалалар бўйича ўринбосарига берапти.

Директорнинг молиявий масалалар бўйича ўринбосари иш берувчининг номидан мазкур отгулларга розилик бериш ҳуқуқига эгами? Бундай ҳуқуқларни бериш тўғрими, у нималарга асосан амалга оширилади?

Ч.Ўрозова,
ОАЖ
юрисконсулти.

– Агар ташкилот уставда, унинг ички ҳужжатлари ёки юқори турувчи ташкилот билан директор ўртасидаги шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, директор ходимлар билан меҳнат шартномаларини имзолаш, шунингдек бошқа кадр ҳужжатларини, шу жумладан буйруқларни (фармойишларни) расмийлаштириш учун бошқа шахсга ваколат беришга (ишончнома бериш, буйруқ чиқариш ёки тегишли шартнома тузиш йўли билан) ҳақлидир (МК 17-моддасининг иккинчи хатбошиси).

Абдусалом
РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристими.

Реклама



"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ"

ЛИЗИНГ
ТАШКИЛОТИ

Барча мулк турларининг
қурилиш ташкилотлари учун

ЛИЗИНГ учун 1 йилдан 5 йилгача

Қурилиш техникаси

Махсус транспорт


Қурилиш асбоблари

Кичик механизация воситалари

Технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга
ошириш орқали сиз сезиларли
равишда пулингизни
тежаш имкониятига эга бўласиз

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун
индивидуал тарзда белгиланади



2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЎТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

МАВЖУД ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ:

- ТРУБА ЎТҚИЗГИЧ PipeLineMan PMGY-70

- 25 т юк кўтариш кучига эга АВТОСАМОСВАЛ

- ЮК ОРТГИЧ ЭКСКАВАТОР CHANGLIN WZ 30-25

- ФРОНТАЛ ЮК ОРТГИЧ

CHANGLIN ZL50H

- ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб м.

ШУНИНГДЕК КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ ҲОЗИРДА МАВЖУД:

- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5М

- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛАГИЧ БОЛТАЛАР

- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР

КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:

- HYUNDAI МАРКАСИДАГИ ФИЛДИРАКЛИ ВА ЗАНЖИРЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР

Барча тўловлар миллий валюта-
сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин Водий кўчаси, 29а.

www.qurilish-lizing.uz

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Махсулот сертификатланган

Тел.: 250-73-14, 250-51-04,

с.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61, т./ф. 250-51-04



ДУКОН БОРЛИГИНИ ТАСДИҚЛАНГ

Корхонамиз улгуржи савдо билан шуғулланиб, харидорларимизга товарларни юклар жўнатамиз. Товарни олиш вақтида харидорларимиз, ишончномадан ташқари, яна қандай ҳужжатларни бизга тақдим этишлари керак? Бу масала айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан мустақамланган?

Ш.Собитов.

– Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 11-бандига мувофиқ товарлар чакана савдо билан шуғулланувчи юридик шахсларга улгуржи сотилганда сотиб олувчилар шартно-

мага ўзлари рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун савдо шохбачаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномани илова қилишлари керак.

Агар товарлар кичик туркумлар билан турғун савдо шохбачалари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга сотилса, шартномага сотиб олувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органининг унда турғун савдо шохбачаси мавжудлиги ва назорат-касса аппарати рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган маълумотномаси илова қилиниши керак.

Ишончномалар етказиб берувчига товарларнинг дастлабки берилишида тақдим этилади.

Агар товарлар қисмларга бўлиб берилса, ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана кўрсатилади. Бундай ҳолларда

юкхатнинг (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг) бир нусхаси товарни олувчига (харидорга) берилади, бошқаси – етказиб берувчида қолади ҳамда ишончномага кўра бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат қилиш учун қўлланилади.

Товар-моддий бойликлар бериб бўлингандан кейин ишонч-

нома ишончнома бўйича топширилаётган бойликларнинг охириги туркумини бериш ҳужжати билан бирга бухгалтерияга топширилади (Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низом²).

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юригимиз.

¹ВМнинг 26.11.2002 йилдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407-сон қарори билан тасдиқланган.

²Молия вазирининг АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти
26.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

283-32-31, 283-36-32.

ЯНГИ ПАСПОРТ ОЛИШ ДАҲМАЗАЛАРИ

Ассалому алайкум! Нима учун Чирчиқда янги паспорт олиш учун қуйидаги ҳужжатларни талаб қилишади: ФХДдан маълумотнома, отангиз ким ва у қаерда; агар олдин олинмаган бўлса 17-шаклдаги маълумотнома; мактабдан маълумотнома, коллеждан маълумотнома; ота-она паспортларининг ксеронусхаси; уй дафтари; метрикалар нусхаси?

Владимир.

Ассалому алайкум ҳурматли таҳририят!

Газетангиздаги материаллардан босқичма-босқич биометрик паспортга ўтилиши ҳақида ўқидик.

Бу жараён ўта муҳим, буни ҳамма тушунади. Фақат бошқа масала тушунарсиз. Нима учун бу жараён ҳамма нарсани мураккаблаштириб, кўплаб вақт, куч ва асаблар сарфланиши эвазига ўтиши керак?

Паспортлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларни 2015 йилгача олиш мумкин. Лекин Ўзбекистондан ташқарига чиқаётганлар уни ҳозир олишлари керак. Таътилга чиқишга тайёрланаётганим туфайли бу масалада хавотирланиб қолдим.

Шаҳар паспорт столига кўнғироқ қилиб, нима қилишим ва қандай йўл тутишим тўғрисида маслаҳатлашдим. Уларнинг жавоби мени хурсанд қилди: ҳеч нарса керак эмас, фақат эски паспорт билан ариза бўлса бас, дейишди. Лекин барвақт хурсанд бўлган эканман.

Маҳалла кўмитаси ҳузуридаги паспортчидан 17-шаклни олишим керак экан. Паспортчи ходима эса ҳар куни ишлайвермайди, қолаверса тўлиқ кун ҳам ишламайди, шунинг учун унга навбатда турганларнинг адоғи кўринмайди. Шаҳсан мен навбатда 2 соатдан кўп туриб қолдим (ҳолбуки ёнимда 5 ёшли фарзандим ҳам бор эди).

17-шаклни олгач, ундан кўчирма нусха чиқаришим кераклигини аниқладим. Табиийки, бу жойда ксероко йўқ. Аллақердан ксеронусхани чиқартириб, ортга чопишим керак. Шаклнинг асл нусхасини паспортчи ходимада қолдиришим, кўчирма нусхага эса унинг имзосини қўйдиришим керак; кейин бу нусхани ХУМШда тасдиқлатиш даркор.

Омадим чопганини кўрингки, ХУМШ раиси жойида экан, шакл нусхасини дарҳол тасдиқлаб берди. Акс ҳолда раисни қидириб, кутиб, кунни кеч қилишим мумкин эди.

Саволим шуки, паспорт столи ходимасидан айнан шу паспорт столи учун 17-шаклни олишимнинг нима маъноси бор эди?

Ахир паспортнинг ўзида ҳақиқийлиги ўз вақтида думалоқ муҳр билан тасдиқланган турар жой ҳақидаги белги турибди-ку?

Ёхуд шу жойнинг ўзида текшириб кўриш имкониятини берувчи маълумотлар базаси паспорт столида мавжуд эмасми?

Иккинчи саволим: ХУМШ раиси нимани тасдиқлайди? Паспортчи ходиманинг имзоси ҳақиқийлигиними (у ҳолда унда паспортчи ходиманинг имзо намунаси бўлиши керак эди,

ваҳоланки у йўқ)? ХУМШ раиси нима учун тасдиқлаётганини тушунириб, паспортчи ходимада муҳр йўқлигини, шу туфайди муҳр ХУМШда қўйилишини айтди.

У ҳолда паспортчи ходималарга бирорта штамп бериш лозим. Ахир қанчадан-қанча одам – қариялар, беморлар, болалар – бўзчининг моксидек у ёқдан бу ёққа югуриб юрибди.

Ундан кейин одам тирбанд бўлган паспорт столига ўтилади. Навбатда узоқ тургач, инспекторнинг кабинетига кирасиз, у эса, ўз навбатида, бошлиқнинг хонасига кириб, сизга паспорт керакми ёки йўқлигини аниқлаб чиқишингизни айтади. Паспорт столи инспекторининг ўзи негадир бу саволга аниқ жавобни билмайди. Ваҳоланки, республикадан ташқарига чиқаётганлар паспортларини ўзгартиришлари кераклиги ҳақида аниқ кўрсатма берилган қарор мавжуд.

Балки кимлар паспорт олиши керак, кимлар олиши керак эмаслиги ҳақида эълон осиб қўйилганида навбатда турганлар сони ҳам кескин камайган бўлармиди.

Бошлиқнинг ҳузурига борсангиз, у ерда ҳам одам тирбанд. Узундан-узоқ навбатни ўтказиб ўзингизга маълум бўлган жавобни эшитгач, анкета тўлдириш учун яна инспекторнинг олдига келасиз. Анкетани мустақил равишда тўлдириш мумкин, хизмат кўрсатиш столида эса уни сизга ҳақ эвазига тўлдириб беришади. Амалда ҳамма пуллик хизматдан фойдаланади, акс ҳолда ходимлар бир дунё камчиликларни топишса, барча жараённи қайтадан бошлашга тўғри келади. Хизмат ҳақи 19 минг сўм туради.

Шундан кейин суратга тушиш керак. Ҳисоб бўйича мен 84-ўринда турган эдим. Навбатим нақ кечки 6 да келди (навбатга кундузги 12 да турган эдим).

Суратга тушиш бепул, лекин давлат божи – 31 минг сўм туради, шундай экан, паспорт беришни бепул деб бўлмайди.

Шунинг учун сизлардан қаттиқ илтимос қиламан: янги паспортларни олиш қондалари, паспорт столи ходималари талаб қилишга ҳақли бўлган ва ҳақли бўлмаган ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот чоп этсангиз. Бу хизмат қанча туради, янги паспортни қайси муддатда беришлари керак ва ҳ.к. Бу масалалар қайси ҳужжат билан тартибга солинади? Сиз берган маслаҳатлар ўзгаларнинг қимматли вақти ва асабини сақлаб қолиши мумкин.

Маҳалла кўмитаси ҳузуридаги паспортчи ходима менга унинг нусхасини олиш учун 17-шаклдаги карточкани берар экан, гаров сифатида мендан паспортимни олиб қўйди. Менинг паспортни ҳеч ким гаровга олишга ҳақли эмас (Паспорт тизими тўғрисидаги Қонунга биноан) деган даъвоимга жавобан ходима у ҳолда мен 17-шаклни ололмаслигимни ҳамда паспорт бўлими ходимларига нисбатан юқоридаги тақиқ жорий этилмаслигини билдирди.

Бу қонунийми?

Ҳурмат билан О.А.

P.S. Сўз Чилонзор тумани ҳақида бормоқда, паспортни менга ҳалигача беришгани йўқ.

РАСМИЙ ЖАВОБ

– Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси фуқароларнинг биометрик паспортларни олиш масаласи бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги муурожаатини кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида низомнинг (Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонида 1-илова) 18-бандига мувофиқ:

«Паспорт олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидо доимий яшовчи фуқаро доимий яшаш жойи бўйича йиғим шохбачасига қуйидагиларни топширади:

- белгиланган тартибдаги аризани;
- олдин берилган паспортни;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани (дастлабки расмийлаштиришда);
- 35 x 45 мм ҳажмдаги фотосуратни;
- Давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни».

Бироқ амалдаги меъёрий ҳужжатга мувофиқ паспорт олиш учун фуқаролар томонидан шубҳа туғдирадиган ҳужжатлар тақдим этилганда ва паспорт олишнинг асосланмаган ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ қўшимча текширувни ўтказиш, бунда фуқаролардан қўшимча маълумотномалар ёки ҳужжатлар нусхалари сўралади.

Шу билан бирга, сизнинг хатингизда кўрсатилган далиллар Чилонзор туман ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ҳамда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби билан ўтказилган кенгашларда муҳокама қилинганини маълум қиламиз.

Б.У.ШОРИХСИЕВ,
бошқарма бошлиғи ўринбосари.



ПРОПИСКАГА ҚАРАБ ИШ ҲАМ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомнинг 12-бандига мувофиқ «ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир». Давлат корхонамизда 5-6 йилдан буён доимий пропискани Андижон ва Сирдарё вилоятларида бўлган, Тошкент шаҳрида ҳисобга олинган тўрт нафар ходим ишляпти. Ҳар 6 ойда мазкур ходимлар ҳисобга турадилар. Яна бир ходим Тошкент вилоятининг Қибрай туманида доимий пропискага эга. Улар билан иш берувчи номуайян муддатга меҳнат шартномалари тузган. Юқорида кўрсатилган Низомнинг талабларидан келиб чиқиб, мазкур ходимларга номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ва кейинчалик милиция таянч пункти профилактика инспекторининг қайд варағи асосида улар муддатини узайтирган ҳолда ҳисобга олиниш муддатига меҳнат шартномаларини тузиш таклиф қилинди. Бироқ мазкур ходимлар ўзлари билан номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишдан бош тортишяпти.

Тошкент шаҳрида вақтинча ҳисобга қўйилган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини қандай тартибда бекор қилиш керак, Тошкент вилоятида доимий пропискани бўлган ходимнинг номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузиш учун Тошкент шаҳрида ҳисобга туриши лозимми?

Ф.Абдуллаева, бош юрисконсульт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – 41-сон Низом) 12-бандига кўра фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш (бундан кейин – ҳисобга олиш) фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан 5 кундан 6 ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасига келган шахслар учун – ўқиш даврига) амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Шу тариқа, мазкур меъёр маъносидан келиб чиқиб, сиз, Меҳнат кодекси (МК) 89-моддасининг учинчи қисмига кўра, меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олишингиз шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 89-моддаси).

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида доимий пропискага эга бўлган, Тошкент шаҳрида номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган ходимга ҳам 41-сон Низом 12-бандининг юқорида айtilган талаблари татбиқ этилади.

МАОШИ ТЎЛАНИБ, ИШДАН БЎШАТИЛАДИ

Биз янги ходимни ҳайдовчи лавозимига ишга олмоқчи эдик. Унга бир ой синов муддати белгиладик. Афсуски, лавозим талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли янги ходим бизда бор-йўғи 2 ҳафтага яқин ишлади.

Биз унга иш ҳақи ҳисоблаб ёзишимиз ҳамда ушбу ходимни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқлар чиқаришимиз керакми?

Д.Юсупова,
бош бухгалтер.

Кутубхона директори олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлмаслиги мумкинми, бироқ маданият соҳасида иш стажига эга бўлиши кифоя қиладимми?

Нигина.

ДИРЕКТОРНИНГ МАЪЛУМОТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

– Кутубхона директорининг маълумот даражасига (олий) нисбатан талаб Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (ВМнинг 20.08.2010 йилдаги 181-сон қарорига илова) назарда тутилган:

Т/р	Касб лавозим коди	Хизматчи лавозими ва ишчи касбининг номи	КМСК* бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг кам даражасига талаблар
1447	2	Кутубхона директори (мудири)	1319	У	о/м

Юқорида кўрсатилган 181-сон қарорнинг 2-бандида белгиланишича, Классификатор ишга қабул қилишда ходимларнинг маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган барча давлат органлари ва ташкилотларида, хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса – тавсия тусига эга.

Бинобарин, кутубхона директори олий маълумотга эга бўлиши шарт. Улар учун Классификатор тавсия тусига эга бўлган ташкилотлар бундан мустасно.

*Касбларнинг миллий стандарт классификатори.

ХОДИМГА ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН ҲАҚ ҚАЙТА УНДИРИЛАДИМИ?

2012 йил февралда ишдан бўшадим. 2011 йилги иш якунлари бўйича менга 2012 йил апрелда мукофот тўлашди. Энди эса ташкилот мендан пулни қайтариб олмоқчи, буни у 2011 йил охирида мен жазо олганлигим билан асосламоқда.

Хат юборишди, телефондан кўнғироқ қилиб материалларни судга бериш билан таҳдид солишяпти.

Нима қилишим керак?

Дмитрий.

– Ташвишланишингизга асос йўқ.

МК 279-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда, шу жумладан қонунни нотўғри қўлланиш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас, ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно.

Шу тариқа, иш берувчининг талаби ноқонунийдир.

ТАЛАБА УЧУН МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

Иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган олий ўқув юрти талабасига меҳнат дафтарчасини юритиш керакми?

Кадрлар бўлими.

– МКнинг 81-моддасига ва Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-нинг (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1.1-бандига мувофиқ меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

Шу тариқа, меҳнат дафтарчаси олий ўқув юрти талабасига ҳам, агар мазкур иш берувчидаги ишнинг учун асосий иш ҳисобланса, юритилади.

– Ҳа, керак. Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади (МК 82-моддасининг биринчи қисми).

Агар иш берувчи ходимнинг топшириладиган ишга лаёқатлигини текширишга ёки унга меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бир қарорга келиши учун имконият беришга қарор қилса, дастлабки синов шартини билан меҳнат шартномаси тузиши мумкин.

Шу сабабли дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади (МКнинг 84-моддаси).


Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади (МКнинг 86-моддаси), бунга иш ҳақи тўлаш ҳам (сизнинг ҳолатингизда ишлаган вақт – 2 ҳафта учун) киради.

Дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас (МКнинг 85-моддаси).

Унинг муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин, бу ҳақда тегишли ҳужжатлар – далолатнома, билдирувнома ва сабабларини кўрсатган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ тузилади.

norma.uz сайтыда шифокорни пора олганлиги учун жавобгарликка тортишгани тўғрисидаги мақолани ўқиб қолдим, шунда агар нима билан касал бўлганлигинг ҳаммага ошкор бўлишини хохламасанг, нима қилиш керак деган савол хаёлимга келди. Зеро иш жойига тақдим этиладиган касаллик варақасида кўрсатилган ташхисни раҳбар ҳам, бухгалтер ҳам, бошқа ходимлар ҳам ўқиши мумкин. Шифокор сири қандай яширилади, уни ошкор этганлик учун ким жавоб беради?

ШИФР ТАШХИСНИ СИР САҚЛАЙДИ



– Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мувожаат қилганлиги, унинг соғлигининг ҳолати, касаллигига қўйилган **ташхис** хусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади, **бемор** ёки унинг қонуний вакилининг **розилигисиз** уни нафақат тиббиёт ходимлари, балки касб-кор, хизмат вазибаларини бажариш вақтида бундан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ҳам **бирор-бир тарзда тарқатишлари ёки ундан фойдаланишлари мумкин эмас**. Бинобарин, **тақиқ ташкилотнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларига ҳам татбиқ этилади**. Ушбу маълумотнинг сир сақланиши тўғрисида беморнинг илтимос қилиши керак эмас – ушбу мажбурият қонундан келиб чиқади ва беморнинг вафот этиши билан тугатилмайди («Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси, бундан кейин – Қонун).

Бундай маълумотлар тақдим этиладиган қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- 1) аҳволи оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида;
- 2) юқумли касалликлар тарқалиши, ялпи захарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид солганида;
- 3) тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;
- 4) 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки

қонуний вакилларини хабардор қилиш учун;

5) фуқаронинг соғлигига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки бахтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида.

Бироқ ҳар бир шундай далилга маълумотларни ҳимоя қилишнинг махсус чоралари назарда тутилган:

биринчи ва тўртинчи ҳолларда ҳомий ва васийлар уларнинг розилиги талаб қилинганлиги сабабли албатта иштирок этадилар, улар беморнинг қариндошлари ёки муомалага лаёқатсиз шахслар жойлаштириладиган давлат муассасаларининг вакиллари бўладилар (*Қонун 45-моддасининг иккинчи қисми*);

учинчи ва охири ҳолларда – процессуал қонунчилик томонидан ҳимоя қилинадиган тергов ҳаракатлари сир сақланишига риоя қилиниши керак. Суд ишлари бундай маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда одатда ёпиқ мажлисларда кўрилади (*Фуқаролик процессуал кодексининг 10, 188-моддалари; Жиноят процессуал кодексининг 18, 19, 53, 118-моддалари*);

юқумли касалликлар тарқалган тақдирда қуйидаги ҳолларда маълумот ошкор қилиниши мумкин: фақат бемор даволанишдан бўйин товласа, мажбурий тарзда олиб келинса, касаллик тарқалишини бартараф этиш мақсадида бемор алоқада бўлган шахсларни мажбурий равишда аниқлаш зарурати мавжуд бўлса. Бунинг устига, мажбурий равишда даволашдан ташқари, хавфли инфекцияларни тарқатганлик учун маъмурий ва

жиноий жавобгарлик белгиланган (*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (МЖТК) 57-59-моддалари; Жиноят кодексининг (ЖК) 113-моддаси*).

Фақат оммавий захарланиш ва шикастланишлар тўғрисида сўз борганда, жамоатчилик хавфсизлиги масаласи ўртага қўйилганда давлат органлари бундай маълумотни аҳолидан яширишга ҳақли эмаслар, улар нафақат хавф мавжудлиги тўғрисида огоҳлантиришлари, балки карантин, уйма-уй айланиб чиқиш, хавфли зоналарда ҳаракатни тўхтатиш тарзидаги маъмурий-муҳофаза чораларини ҳам кўришлари шарт.

Шундай бўлса-да, маълумки, беморнинг иш жойига берилган касаллик варақаси, маълумотномада касалликнинг аниқ ташхиси кўрсатилиши керак (*АВ томонидан 19.01.2000 йилда 873-сон билан рўйхатдан ўтказилган Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномаларни бериш тартиби тўғрисида йўриқнома 45-бандининг учинчи хат-бошиси, бундан кейин – Йўриқнома*). Бироқ ушбу ҳужжатлар иш жойи бўйича ташкилотга берилган пайтдан бошлаб сирни ошкор этганлик учун жавобгарлик нафақат тиббиёт ходимлари, балки ташкилотнинг мансабдор ва бошқа шахслари зиммасига ҳам юкланиши мумкин. Ходимга зарар (моддий ҳамда маънавий) етказилган тақдирда уларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин (*МЖТКнинг 46-моддаси*). Шунингдек мансабдор шахслар мансаб жинояти, масалан, мансабга совуққонлик

билан қараш учун жазога тортилишлари мумкин, бундай жиноят ЭКИХнинг 100 бараваригача миқдорда жарима солиш ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади (*ЖКнинг 207-моддаси*).

Бироқ амалиётда шифокор сирининг ошкор қилиниши анча кенг тарқалган ҳолат ҳисобланади. Бунинг устига беморнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётганда ушбу далилдан процессуал фойдаланиш ташхисни янада кенг миқёсда ошкор этишга олиб келади. Вазиятни илдизидан ўзгартириш учун халқаро амалиётга мувожаат қилиш мумкин. Фаолиятнинг барча соҳаларида классификациянинг ягона меъёрий стандартлари ва тизимлари мавжуд. Бундай тизим соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ташкил этилган, бу – Касалликлар ва саломатлик билан боғлиқ муаммоларнинг халқаро статистик классификацияси (*инглизча International Statistical Classification of Diseases and Related Health Problems*). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбарлигида вақти-вақти билан (10 йилда бир маротаба) қайта кўриб чиқилган, жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида етакчи статистик негиз сифатида фойдаланиладиган ушбу ҳужжат услубий ёндашувлар ва касалликлар тўғрисидаги маълумотларнинг халқаро таққосланиши бир хиллигини таъминлашга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда ўнинчи марта қайта кўриб чиқилган Касалликларнинг халқаро классификацияси (*КХК-10, ICD-10*) амал қилади. КХКнинг мақсади турли мамлакатлар ёки минтақаларда турли вақтда олинган, ўлим ва касалланишлар

тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштирилган тарзда рўйхатдан ўтказиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва таққослаш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Касалликлар ташхислари ва саломатлик билан боғлиқ бошқа муаммоларни сўз билан формулировка қилишни ҳарф-рақамли кодларга айлантириш учун КХКдан фойдаланилади, бундай кодлар маълумотларнинг қулай сақланиши, олиниши ва таҳлил қилинишини таъминлайди.

КХК тизими касалликларни 21 тоифага бўлади, уларнинг ҳар бири рим рақамлари билан белгиланади. КХК-10 бўйича ташхисларнинг кодлари эса латин ҳарфлари ва рақамларидан иборат.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимларининг лавозим йўриқномалари ўрганилганда, бундай ходимларга қўйиладиган мажбурий талаблардан бири юқоридаги классификацияни билиш ҳисобланиши маълум бўлди.

Шу сабабли, фикримизча, **Йўриқноманинг тегишли бандига касаллик варақаси ёки тиббий маълумотномада ташхисни сўз билан қайд этиш ўрнига унинг КХК бўйича кодини кўрсатиш мажбурияти тўғрисида ўзгартиришлар киритилиши беморлар ишлаши мумкин бўлган меҳнат жамоаларида ҳам шифокор сири сақланишига имкон берган бўларди.**

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

МОДДИЙ ЖАВОБГАР БЎЛМАГАНЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра прорабларимизга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддаси – 2 йил мобайнида молиявий ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланди. Туман ижроия органлари лавозим ўзгартирилганлиги тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси ва янги лавозимлар улар учун тақиқланган ҳисобланмаслиги тўғрисидаги хат беришимизни талаб қилишяпти.

Прораб лавозими моддий жавобгарлик юкланган лавозим ҳисобланадими? Моддий жавобгарлик қандай қонун ҳужжати билан белгиланади?
С.Тўрахўжаева, ХК бухгалтери.

– Ходим тоифасини белгилашда – у билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш мумкин ёки мумкин эмаслиги – ҳаммаси Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 203-моддаси меъёрини бажаришга ва прорабнинг хизмат вазибаларига боғлиқ.

Чунончи, **бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.** Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Кадрлар бўлими

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати эса жамоа шартномасида белгилаб қўйилди, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, **жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги** жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

Криминалист эксперт ён дафтаридан

Пиёдани уриб-босиб кетиш билан боғлиқ, оқибати ўлим билан яқун топган бу йўл-транспорт ҳодисаси сабабчиси М-21 русумли ҳаворанг «Волга» машинасини аниқлашда бизнинг экспертлик хулосамиз муҳим роль ўйнаган бўлиб, уни бизнинг бевосита иштирокимиз туфайли очилган шу таҳлит дастлабки ишлардан бири дейиш мумкин. Ҳозир мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган замонавий автомашиналар кети узилмаётган шаҳар кўчаларида «Волга» машинасини кам учратасиз. Тўғриси айтганда, ўша пайтларда ҳам М-21 русумли машиналар кўп эмасди. Шу сабабли ҳам экспертлар воқеа содир бўлган жойдаги изларга қараб, фалокат аниқ М-21 русумли машина билан содир этилганлигини аниқлаб, рангини ҳам ўз хулосаларида кўрсатиб бергач, терговга одамни уриб кетиб, ҳодиса содир бўлган жойдан жуфтани ростлаб қолган айбдорни топиш осон кўчганлиги турган гап.

Ўшанда тунда ёшгина эркакни уриб-босиб кетишган бўлиб, гувоҳлар йўқ. Излар ҳам қолмаган эди ҳисоб. Мурдани мамлакатимизнинг олис туманларидан бирида, қишлоқ йўлида топишган экан. Воқеа содир бўлган жойда чанг йўлда шинанинг устки қопламаси – протекторларнинг етарлича аниқ бўлмаган излари қолган эди, холос. Бошқа ҳеч қанақа далил йўқ, ойна синиқлари ҳам, деталларнинг учиб кетган қисмлари ҳам, ҳатто лок-бўёқ қопламасининг кўчган уволари ҳам кўринмасди.

Суд-тиббиёт экспертизаси марҳумнинг танасида йўл-транспорт ҳодисасига хос тан жароҳатлари борлигини, оёқ ва елка суякларини синганлигини аниқлади. Автомашина уриб ёки туртиб кетган кўп ҳолларда бўлганидек, бу ерда ҳам мия-бош чаноғи жароҳати ўлимга сабаб бўлган эди.

Ўшанда протекторлар излари бўйича алоҳида, марҳумнинг уст-боши бўйича алоҳида экспертиза тайинланди.

Биз, трассологлар протекторларнинг изларига қараб, бу изларни қолдирган

шиналарнинг моделини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бунақа шиналар М-21 русумли «Волга» автомобиллари учун ишлатилар эди. Таъкидлаш жоизки, ўша кезлари бизда чет эл машиналари йўқ эди ҳисоб. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар учун саноат уларнинг муайян бир русуми учун мўлжалланган моделдаги шиналарни ишлаб чиқарарди. Шу боис ўшанда экспертлик йўли билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда ёки жабрланувчининг уст-бошида аниқланган изларга қараб, шиналарнинг мансублиги тўғрисида фаразийликка мойилроқ хулосага келиш мумкин эди.

Бошқа экспертиза гуруҳига ҳалок бўлган шахснинг кийимида транспорт воситаси урилганлиги билан боғлиқ излар бор-йўқлигини аниқлаш, агар бундай излар бўлса, уларнинг қанақалиги ва қандай турдаги транспорт воситасига таллуқлиги юзасидан хулоса чиқариш масаласи қўйилган эди.

Трассологик ва суд-кимёвий тадқиқотлар ёрдамида шу нарса аниқландики, фалокатга учраган йигитнинг шим-

ХАВОРАНГ



«ВОЛГА»

ларида транспорт урилганлигига оид излар, тирғалиш оқибатидаги шикаст-ёриқлар ва ҳаворанг бўёқ белгилари топилди. Кимёгар экспертлар ихтиёрида рангни криминалистик аниқловчи қурилма бўлиб, унда ўша кезлари мамлакатда ишлаб чиқарилган барча рангдаги автомобиллар бўёқлари намуналари бор эди.

Ҳалок бўлган шахснинг шимидан изи топилган бўёқни қурилмадаги бўёқ намуналари билан таққослаб кўриб, кимёгар эксперт ҳаворанг бўёқ М-21 русумли «Волга» автомобилларини бўяш учун ишлатилганлигини билди. Ана шу бўёқ намунаси, шунингдек автомобилнинг туртиб чиққан қисмлари урилиб, ҳалок бўлган шахснинг кийимида қолдирган излар бу фалокатни аниқ шундай машина содир этганидан далолат берарди.

Терговчи хулосаларимизни олганидан кейин одам босиб кетган ҳайдовчи бош-

қарган автомобилни қидириш юзасидан амалий чоралар кўрди. Ўша атрофда М-21 русумли ҳаворанг автомобиль ягона бўлганлиги сабабли, қолаверса, ўша йиллари автосервис хизмати ҳозиргидек кенг тармоқ отмаган ва тезкорлик билан ишламаганлиги боис «Волга»нинг эгаси уни таъмирлаб улгурмаганди. Машинанинг капоти озгина пачоқланган бўлиб, ундаги ҳаворанг бўёқ билинар-билинемас кўчган эди. Бу излар марҳумнинг шимларидаги зарба қолдирган излар билан мос келди. Машинанинг пачоқроқ бўлган жойидаги урилиш билан боғлиқ изларда ҳалок бўлган йигитнинг шими газламаси толалари билан бир хил газлама толалари топилди. Шундан кейин ўтказилган криминалистик экспертиза уларнинг (толаларнинг) келиб чиқиши бир эканлигини тасдиқлади.

Ҳайдовчи экспертизанинг барча хулосалари билан танишиб чиққанидан кейин йўловчини уриб юбориб жиноят содир этганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, криминалист экспертларнинг хулосалари оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисасининг сабабчисини фош этишга ёрдам берди.

Тўғри, ҳозирги вақтда терговчилар ва экспертлар учун ишлаш анча оғир бўлиб қолди. Чунки ҳозир автомобилларнинг тур ва русумлари кўп, уларнинг ранглари ҳам турфа хилдир. Аммо биз, экспертлар ҳозир ҳам турли йўл-транспорт ҳодисаларини текширишга имкон қадар кўпроқ ёрдам беришга, бунда замонавий услубият ҳамда энг янги асбоб-ускуна ва приборлар базасидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг давлат суд эксперти.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО
УСКУНАЛАРИ

Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

ISO халқаро стандартларига мос
равннда ишлаб чиқарилган

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди
(850 000)*. Тел.: 926-32-23.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколат-хоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел.: (+99890) 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.
Тел.: 806-28-46; факс 278-11-66. E-mail: 49koshelev@mail.ru

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топширилган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш.
Тел.: 963-89-58.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Namkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 551 Адади 2 770. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 22 октябрда соат 16.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223